



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 2 (4)  
2026**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 2-son 2026 yil***

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**2**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2026**

MUNDARIJA

<b>Аслонов С.М., Амиджанова М.М.</b> Развитие бизнес-идей (стартапов) предпринимательской деятельности в Республике Таджикистан.....	7
<b>Умаров И.Ю.</b> Современные тенденции инновационного развития пищевой промышленности Узбекистана.....	13
<b>Akbaraliyeva D., Mirzamahmudova M.</b> Bank tizimi tarixi va rivojlanishi.....	16
<b>Mamajonova N.A.</b> Qurilish korxonalarida innovatsion boshqaruv faoliyati samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari arxitekturasi.....	22
<b>Ahmadkulov D.R., Xamrayev O.Y., Khattobov U.B.</b> Kriptovalyutaga soliq solishda jahon tajirabasi va muammolar.....	25
<b>Toshpulatov A.M.</b> Qurilish materiallari sanoati korxonalarining ishlab chiqarish hajmini baholash usullari.....	30
<b>Bahromov Sh.F.</b> Jahonda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning (TXXI) iqtisodiy rivojlanish bilan bog‘liqligini tahlili.....	34
<b>Kalmuratov B., Izzetov B., Yusupova J., Shamuratova A.</b> Calculation in econometric models of human capital financing in innovation management in Uzbekistan.....	39
<b>Sultonov B.M.</b> Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmiga ta‘sir etuvchi omillar va ularni baholash asoslari.....	43
<b>Юсупов М.Х.</b> Фарғона вилояти маҳаллаларида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири: демография, гендер ва миграция таҳлили.....	47
<b>Жаббаров К.Й., Жалолов И.Х., Эркинов М.Д.</b> Молиявий ҳисобот тизимининг моҳияти ва шаклланиш бошқичлари.....	57
<b>Гулямова Н.Х.</b> Саноат корхоналарини инновацион ривожланиши ва миллий иқтисодиёт ўсиши.....	61
<b>Arziboyeva R.S.</b> Banklarda asosiy vositalar va mablag‘lar hisobini takomillashtirish.....	64
<b>To‘raboyev Q.Q.</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida mamlakatimizda soliq tizimini modernizatsiya qilish va sun‘iy intellekt hamda Big Data yordamida nazorat.....	67
<b>Tojiboyev I.I.</b> Raqamli biznes va elektron tijoratni soliqqa tortishning dolzarb masalalari va yechimlari.....	70
<b>Xolmirzayev I.O.</b> Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari faoliyatining rivojlantirishning iqtisodiy yo‘llari.....	74
<b>Saidova M.J.</b> Sanoat tarmoqlari transformatsiyasi sharoitida texnologik eskirish va modernizatsiya muammolari.....	79
<b>Usmonova N.A.</b> Andijon viloyatida kichik korxonalar faoliyat samaradorligiga ta‘sir etuvchi omillarni statistik va ekonometrik tahlil qilish.....	83
<b>Xaydarov M.T., Jannazarova G.K.</b> Bozor infrastrukturasi va uning rivojlanish istiqbollari.....	87
<b>Худайназарова Д.Г.</b> Фармацевтика корхоналарида харажатларга доир ахборотларни бухгалтерия ҳисоботларида очиб бериш тартибини такомиллаштириш.....	93
<b>Madaminov A.M.</b> O‘zbekistonda sanoat tarmoqlari faoliyatida oziq-ovqat sanoati rivojlantirish istiqbollari.....	99
<b>Zufarova G.A.</b> Kambag‘al va ishsiz fuqarolarni tadbirkorlikka jalb qilish masalalari.....	103
<b>Ergashev I.I.</b> Kichik korxonalar investitsiyaviy jozibadorligini samarali boshqarishda jahon amaliyoti tajribasi.....	106
<b>Sativaldiyeva G.X.</b> Ijara munosabatlarini mohiyati, ahamiyati va tasniflanishi.....	110
<b>Kamilova A.N.</b> Sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirishda mehnatni normalashtirish tizimining o‘rni va ahamiyati.....	115
<b>Базарова Г.Г.</b> Занятость населения в Узбекистане – теоретико-методологические основы анализа и практические механизмы решения проблем.....	119
<b>Turabov B.T.</b> Byudjet taqchilligi va xalqaro moliyaviy oqimlarning ta‘siri.....	125
<b>Xamzaev A.N.</b> Mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish yo‘llari.....	131
<b>Xamzaev A.N., Mirzajonov M.</b> Mamlakatimizdagi xususiy korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari.....	136

<b>Raximova L.Sh.</b> Innovatsion iqtisodiyot sharoitida ayollar tadbirkorligining roli va uning turmush farovonligiga ta'siri.....	<b>141</b>
<b>Nosirov S.N.</b> ESG tamoyillarini joriy etish orqali sug'urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini oshirish mexanizmlari.....	<b>146</b>
<b>Maxkamov X.M.</b> Tijorat banklarida muammoli kreditlar ulushini kamaytirishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	<b>150</b>
<b>Hamrakulova M.F.</b> Sanoat korxonalarida innovatsion boshqaruv mexanizmlarining mahsulot sifati va bozor raqobatbardoshligiga ta'siri.....	<b>153</b>
<b>Mirzayeva L.S.</b> O'zbekiston qimmatli qog'ozlar bozoridagi aksiyalar likvidligini oshirish yo'llari.....	<b>157</b>
<b>Очилов Ж.Ж.</b> Инновацион ривожланишда кичик бизнес фаолияти экотизимининг роли..	<b>160</b>
<b>Usubjonov Z.V.</b> Qurilish materiallari bozori mohiyati va uning xususiyatlari.....	<b>165</b>
<b>Bekmurodov N.X.</b> Hududiy iqtisodiy rivojlanishning nazariy asoslari va konsepsiyalari.....	<b>170</b>
<b>Yusupova M.B.</b> Zamonaviy boshqaruv tizimi va strategik boshqaruv hisobi.....	<b>175</b>
<b>Xudayberdiyev O.A.</b> Globallashuv sharoitida elektron tijorat orqali tadbirkorlik subyektlarining xalqaro savdo munosabatlarini rivojlantirish mexanizmlari.....	<b>179</b>
<b>Bo'stonova N.A.</b> Andijon viloyatida kichik biznes subyektlarining salohiyatini tahlili.....	<b>187</b>
<b>Bo'stonova N.A., Nematjonova R.D.</b> O'zbekistonda aholining daromadlari va iste'mol xarajatlarining biznes rivojlanishiga ta'siri.....	<b>192</b>
<b>Hamidova Sh.O.</b> Sanoat korxonalarida mehnatni tashkil etish va boshqarish samaradorligi tahlili.	<b>196</b>
<b>Abdullayeva Z.S.</b> Maxsus iqtisodiy zonalar faoliyatining ijtimoiy va institutsional samaradorligi.	<b>199</b>
<b>Duvshatova N.K.</b> Hududlararo iqtisodiy nomutanosiblikni tartibga solishda investitsion yondashuvlarning samaradorligi.....	<b>203</b>
<b>Усманова А.Б.</b> Цифровая составляющая устойчивого развития региональной туристской системы (на примере Бухарской области).....	<b>207</b>
<b>Qidirniyozov A.Sh.</b> Uy-joy qurilishida kapital qo'yilmalar hajmi va yakuniy natijalar o'rtasidagi bog'liqlikni ekonometrik modellashtirish.....	<b>213</b>
<b>Dexkanova Sh.K.</b> Aylanma iqtisodiyotning barqaror rivojlanishdagi ro'li.....	<b>217</b>
<b>Gulimboyev S.I., Rejapov X.X.</b> Aholining farovonligini ta'minlashda ijtimoiy qo'llab-quvvatlashning o'rni.....	<b>221</b>
<b>Mamatov B.S.</b> O'zbekistonning investitsion imkoniyatlari: asosiy tendensiya va natijalar.....	<b>226</b>
<b>Kamoldinova N.A.</b> Ayollar tadbirkorligini rivojlantirish – ular bandligini ta'minlashning asosi.	<b>231</b>
<b>Aminboyev J.O.</b> Amortizatsiya hisobida foydali xizmat muddatini aniqlash: nazariy va amaliy yondashuvlar.....	<b>235</b>
<b>Maxramova N.Y.</b> Strategik menejmentda kadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	<b>241</b>
<b>Usmanova S.S.</b> Innovative development of the pharmaceutical industry.....	<b>245</b>
<b>Faxriddinova N.N.</b> Yashil tadbirkorlik va uning iqtisodiyotdagi o'rni.....	<b>250</b>
<b>Захирова Г.</b> Тиббий туризм хизматлари бозори ривожланишининг хориж тажрибаси.....	<b>254</b>
<b>Абдуллоев А.Ж.</b> Барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар амалиёти.....	<b>258</b>
<b>Sharapova N.K.</b> Hududlarni barqaror rivojlantirish dasturlarini xalqaro standartlar tizimiga moslashtirish imkoniyatlari.....	<b>264</b>
<b>Rahmatullayeva D.O.</b> Demografik omillar va bandlik samaradorligi o'rtasidagi munosabatlar..	<b>272</b>

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ  
БОСҚИЧЛАРИ

СУЩНОСТЬ И ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ФИНАНСОВОЙ  
ОТЧЕТНОСТИ

THE ESSENCE AND FORMATION STAGES OF THE FINANCIAL REPORTING  
SYSTEM

**Жаббаров Камолиддин Йўлдошевич**

Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факултети доценти,  
иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори

**Жалолов Иззат Хусан ўғли**

Аниқ ва ижтимоий фанлар университети 1-босқич магистранти

**Эркинов Миродилжон Дилшоджон ўғли**

Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факултети 2-курс талабаси

**Аннотация**

Мазкур мақолада молиявий ҳисобот тизимининг иқтисодий моҳияти, унинг ахборот инфратузилмаси сифатидаги ўрни ҳамда шаклланиш босқичлари илмий-назарий ва институционал ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, рақамли ҳисобот форматлари ва ESG (экологик, ижтимоий ва бошқарув омилларига асосланган) ҳисоботи тенденциялари асосида молиявий ҳисобот тизимининг замонавий трансформацияси ўрганилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисобот, ҳисобот тизими, МҲҲС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари), ахборот асимметрияси, капитал бозори, XBRL, ESG ҳисоботи, касбий ҳулоса.

В данной статье анализируется экономическая сущность системы финансовой отчетности, ее роль как информационной инфраструктуры и этапы ее формирования на основе научно-теоретического и институционального подходов. Также рассматривается современная трансформация системы финансовой отчетности на основе международных стандартов финансовой отчетности, цифровых форматов отчетности и тенденций в области отчетности по ESG (экологические, социальные и управленческие факторы).

**Ключевые слова:** финансовая отчетность, система отчетности, МСФО (Международные стандарты финансовой отчетности), информационная асимметрия, рынок капитала, XBRL, отчетность по ESG, профессиональное суждение.

This article analyzes the economic essence of the financial reporting system, its role as an information infrastructure, and the stages of its formation based on scientific-theoretical and institutional approaches. It also studied the modern transformation of the financial reporting system based on international financial reporting standards, digital reporting formats, and ESG (environmental, social, and governance) reporting trends.

**Keywords:** financial reporting, reporting system, IFRS (International Financial Reporting Standards), information asymmetry, capital market, XBRL, ESG reporting, professional judgment.

Молиявий ҳисобот тизими замонавий иқтисодиётда ресурсларни тақсимлаш, инвестиция қарорларини қабул қилиш ва корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашда муҳим

ахборот манбаси ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолати, фаолият натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари ҳамда жамоатчилик манфаатлари кесишган нуқтада қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий адабиётларда молиявий ҳисоботнинг асосий вазифаларидан бири ахборот асимметриясини камайтириш орқали капитал бозорларида ишончни оширишдан иборат эканлиги таъкидланади [1; 2]. Халқаро молия бозорлари интеграцияси, трансчегаравий инвестицияларнинг ўсиши ва корпоратив шаффофликка бўлган талабнинг кучайиши ҳисобот тизимини стандартлаштириш ва модернизация қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, МҲХСига ўтиш, банк тизимини халқаро молия бозорларига интеграция қилиш ва электрон ҳисобот инфратузилмасини ривожлантириш молиявий ҳисобот тизимининг моҳияти ва шаклланиш босқичларини чуқурроқ илмий таҳлил қилишни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Молиявий ҳисобот тизимининг назарий асосларини ўзаро боғлиқ ёндашувлар асосида шартли равишда 3 та гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчидан, ахборот асимметрияси назариясига кўра, корхона менежменти ташқи инвестор ва кредиторларга нисбатан кўпроқ ахборотга эга бўлади. Стандартлаштирилган ва очиқ молиявий ҳисобот ушбу асимметрияни камайтириб, капитал қийматини пасайтиради [1].

Иккинчидан, агентлик назарияси молиявий ҳисоботни ҳисобдорлик ва назорат механизми сифатида кўради. Менежерлар фаолиятини баҳолаш ва корхона таъсисчилари манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли ҳисобот ҳал қилувчи аҳамиятга эга [2].

Учинчидан, институционал назария молиявий ҳисобот амалиётини қонунчилик, солиқ сиёсати, аудит, капитал бозорлари ва миллий иқтисодий муҳит билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий институт сифатида талқин қилади [3].

Молиявий ҳисобот тизими деганда корхона фаолияти натижаларини ўлчаш, баҳолаш, умумлаштириш ва манфаатдор томонларга тақдим этишни таъминлайдиган меъёрий-услубий, ташкилий ва технологик механизмлар мажмуаси тушунилади [4].

Молиявий ҳисобот тизимининг функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш унинг мазмунини янада яхшироқ тушуниш имконини беради:

Ахборот функцияси – бу инвестиция ва молиялаштириш қарорлари учун ҳолис маълумотлар тақдим этишга жавоб беради;

Ҳисобдорлик ва назорат функцияси – менежмент фаолиятини баҳолашга жавоб беради;

Қиёслаш функцияси – турли даврлар ва субъектлар кесимида таҳлил имкониятини яратади;

Рискни баҳолаш функцияси – ликвидлик ва молиявий барқарорликни аниқлашга жавоб беради;

Институционал ишонч функцияси – аудит ва стандартлаштириш орқали бозор ишончини мустаҳкамлаш учун жавоб беради.

McKinsey Global Institute маълумотларига кўра, юқори сифатли молиявий ҳисоботга эга компанияларда капитал қиймати ўртача 1,0-1,5 фоиз пунктга паст бўлади, бу эса ҳисобот тизимининг иқтисодий самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди [5].

Молиявий ҳисобот тизимида кузатилаётган замонавий тенденциялар тасодифий эмас, балки унинг узоқ муддатли институционал эволюциясининг мантикий натижаси ҳисобланади. Агар XX аср ўрталаригача молиявий ҳисобот асосан солиқ ва маъмурий назорат вазифасини бажарган бўлса, 1980-1990 йилларга келиб глобал капитал бозорларининг ривожланиши ҳисобот тизимини инвесторларга йўналтирилган ахборот институтига айлантирди [6].

2000 йиллардан кейин эса корпоратив инқирозлар ҳисобот сифати, аудит мустақиллиги ва очиқ бериш стандартларига бўлган талабни кескин оширди. Натижада, молиявий ҳисобот тизимида шаффофлик, ишончли тақдим этиш ва қиёслаш қобиляти асосий устувор йўналишга айланди [7].

Сўнги ўн йилликда молиявий ҳисобот тизими рақамлашув босқичига ўтди. XBRL (eXtensible Business Reporting Language – Молиявий ҳисоботни рақамли,

стандартлаштирилган форматда тақдим этиш тили) форматлари молиявий маълумотларни автоматик таҳлил қилиш, регулятор мониторингини юритиш ва бозор иштирокчилари учун маълумотларни солиштириш имконини кенгайтди [8].

Лекин тизимнинг рақамлашув даражасининг ортиши ижобий томонлар билан бирга бир қанча салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда:

маълумотлар сифати масаласи;

киберхавфсизлик рисклари;

аудит жараёнларининг рақамли муҳитга мослашуви.

Замонавий босқичда молиявий ҳисобот тизими фақат молиявий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмаяпти. Инвесторлар корпоратив рискни баҳолашда ESG омилларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

PwC нинг 2023 йилги Global Investor Survey натижаларига кўра, институционал инвесторларнинг 79 фоизи ESG ахборотини инвестиция қарорларида муҳим омил сифатида баҳолайди [9]. Бу ҳолат молиявий ҳисобот тизимининг интеграциялашган ҳисобот моделига ўтишини тезлаштиради.

Бироқ, ESG ҳисоботи стандартларининг хилма-хиллиги, маълумотларни ўлчаш муаммоси ва текширув механизмларининг етарли эмаслиги ушбу йўналишдаги асосий институционал муаммолардан ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий ҳисобот тизими эволюциясини шартли равишда беш босқичга ажратиш мумкин.

1-босқич. Ҳисоб-китоб ва мулкни сақлашга йўналтирилган ҳисоб даври. Бу босқичда ҳисоб асосан мулк ва захираларни назорат қилишга хизмат қилган бўлиб, стандартлаштириш даражаси паст бўлган.

2-босқич. Солиқ ва давлат назоратига йўналтирилган ҳисобот даври. Молиявий ҳисобот фискал талабларга мослаштирилиб, солиқ базасини аниқлашда устувор аҳамият касб этган.

3-босқич. Кредит муносабатлари ва корпоратив назорат босқичи. Банкларда кредитлаш ҳажмининг кенгайиши ҳисоботнинг ишончилиги ва аудит институти ривожланишини рағбатлантирган.

4-босқич. Инвесторлар ва капитал бозорига йўналтирилган ҳисобот даври. Бу даврда МҲХС каби халқаро стандартлар кенг қўлланилиб, қиёслаш ва шаффофлик устувор аҳамият касб этган [6]. Жаҳон банки маълумотларига кўра, МҲХСни жорий этган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўртача 15-25 фоизга юқори бўлган [10].

5-босқич. Рақамли ва интеграциялашган ҳисобот босқичи. XBRL форматлари, real-time (онлайн ёки жуда қисқа кечикиш билан топшириладиган) ҳисобот ва ESG ахборотини интеграциялаш ушбу босқичнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади. Европа тажрибаси XBRL жорий этилиши регулятор текширувларига кетадиган вақтни 30–40 фоизга қисқартирганини тасдиқлайди [8].

Мамлакатимизда сўнги йилларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда йирик корхоналар ва банклар учун МҲХС асосида ҳисобот тайёрлаш мажбурий этиб белгиланди [11]. Натижада миллий ҳисобот тизимини инвесторларга йўналтирилган моделга яқинлаштириш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхшиланишига эришилмоқда;

Марказий банк маълумотларига кўра, 2021 йилдан бошлаб тижорат банкларининг барчаси халқаро аудит компаниялари томонидан текширилган МҲХС асосидаги ҳисоботларини эълон қилиб келмоқда [12];

ИХРТ таҳлиллари давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий ҳисобот очиқлиги инвестиция жозибдорлигига бевосита таъсир қилишини кўрсатади [13]. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда давлат корхоналарида ҳам бу амалиётни тўлиқ йўлга қўйиш борасидаги ишлар жадаллаштирилмоқда.

Бугунги кунда замонавий ҳисобот тизимининг энг муҳим муаммоларидан бири “rules-based” (қоидаларга асосланган) ва “principles-based” (принциплар (иқтисодий мазмун ва

мақсад асосида) асосланган) ёндашувлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ҳисобланади. GAAP (Generally Accepted Accounting Principles) кўпроқ қоидаларга асосланган бўлса, IFRS (International Financial Reporting Standards) иқтисодий мазмун устуворлигига таянган принципларга асосланган тизим ҳисобланади [4].

Амалиёт шуни кўрсатадики, принципларга асосланган ҳисобот қоидадан кўра ақл, билим ва масъулиятга таяниб қарор қилиш (касбий хулоса) га юқори талаб қўяди. Бироқ, бу институтлар етарли даражада ривожланмаган мамлакатларда ҳисобот натижаларининг субъектив талқини ва ҳисоб сиёсатини манипуляция қилиш хавфини кучайтиради.

Ўзбекистон шароитида ушбу муаммо айниқса долзарб бўлиб, МҲХСга ўтиш касбий хулоса маданияти, аудит сифати ва регулятор методик қўллаб-қувватлови билан бир вақтда ривожлантирилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда МҲХСни жорий қилишда жорий даврда бир қанча тўқислар кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- ҳисобот стандартлари ва амалий қўлланилиши ўртасидаги фарқ;
- касбий хулоса маданиятининг етарли шаклланмаганлиги;
- аудит бозорида сифат бўйича туркумланиш;
- рақамли ҳисобот инфратузилмасининг тўлиқ шаклланмаганлиги;
- ESG ахборотини очиб бериш амалиётининг бошланғич босқичда эканлиги.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш молиявий ҳисобот тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ҳамда регулятор ва амалиёт уйғунлигини таъминлашни талаб қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, молиявий ҳисобот тизими иқтисодий муносабатларнинг муҳим институционал элементи бўлиб, унинг эволюцияси фискал йўналишдан инвесторларга мўлжалланган ва рақамли интеграциялашган моделга ўтиш тенденциясида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон шароитида МҲХСга ўтиш, аудит сифатини ошириш ва электрон ҳисобот инфратузилмасини ривожлантириш миллий ҳисобот тизимининг самарадорлигини ошириш учун асосий устувор йўналишлар ҳисобланади. Ўзбекистонда электрон ҳисобот тизимларининг жорий этилиши ижобий натижа берган бўлса ҳам, молиявий ҳисоботни тўлиқ рақамлаштириш учун XBRL стандартлари, ягона таксономия (маълумотларни аниқ номлар, кодлар ва иерархия асосида классификация қилиш) ва тўлиқ инфратузилмага эга регулятор уйғунлик талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Akerlof, G. A. (1970). The market for “lemons”: Quality uncertainty and the market mechanism. *Quarterly Journal of Economics*, 84 (3), 488–500.
2. Jensen, M. C., & Meckling, W. H. (1976). Theory of the firm: Managerial behavior, agency costs and ownership structure. *Journal of Financial Economics*, 3(4), 305–360.
3. Scott, W. R. (2015). *Financial accounting theory* (7th ed.). Pearson Canada Inc.
4. IFRS Foundation. (2022). *Digital financial reporting*. IFRS Foundation.
5. McKinsey Global Institute. (2019). *Financial transparency and cost of capital*. McKinsey & Company.
6. Ball, R. (2006). International Financial Reporting Standards (IFRS): Pros and cons for investors. *Accounting and Business Research*, 36 (sup1), 5–27.
7. Dechow, P. M., Ge, W., & Schrand, C. M. (2010). Understanding earnings quality: A review of the proxies, their determinants, and their consequences. *Journal of Accounting and Economics*, 50 (2–3), 344–401.
8. ESMA. (2021). *ESEF and XBRL implementation report*. European Securities and Markets Authority.
9. PwC. (2023). *Global investor survey*. PricewaterhouseCoopers.
10. World Bank. (2020). *IFRS and foreign direct investment*. World Bank Group.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2023). Banking Sector Review.
13. OECD. (2018). State-owned enterprises and transparency. Organisation for Economic Co-operation and Development.

УДК:338.012

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШИ**

**ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И РОСТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

**INNOVATIVE DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES AND GROWTH OF THE NATIONAL ECONOMY**

**Гулямова Нигора Хабибуллаевна** – саноат иқтисодиёти ва менеджменти кафедрасида в.б. доцент, Тошкент давлат техника университети, И.А.Каримов номида, Тошкент

**Аннотация**

Ўзбекистоннинг янги ривожланиш босқичига ўтиши кўрсатмоқдаки, саноат корхоналарининг эски моддий-техника базаси уларнинг фаолияти натижасига салбий таъсир кўрсатади. Инновацион ривожланишнинг асосий шарт мавжуд потенциалдан фойдаланиш ва уни шундай йўналишларда ривожлантиришдирки, улар ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самара келтириши мумкин. Мақолада Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналаридаги инновацион фаолият таҳлил қилинади. Мақолада саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши йўлидаги ҳозирги ҳолат ва тўсиқлар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Саноат корхоналари, инновацион фаолият, миллий иқтисодиёт, замонавий илғор технологиялар

Переход Узбекистана на новый этап развития показывает, что устаревшие материально-технические базы промышленных предприятий негативно сказывается на результатах их деятельности. Главным условием инновационного развития является использование имеющегося потенциала и обеспечение его роста в тех направлениях, которые могут обеспечить реальную социально-экономическую отдачу. В статье изучается инновационная деятельность промышленных предприятий Республики Узбекистан. Анализируется современное состояние и препятствия, возникающие на пути инновационного развития промышленных предприятий.

**Ключевые слова:** Промышленные предприятия, инновационная деятельность, национальная экономика, современные передовые технологии.

The transition of Uzbekistan to a new stage of development shows that the outdated material and technical base of industrial enterprises negatively affects the results of their activities. The main condition for innovative development is to use the existing potential and ensure its growth in those areas that can provide real socio-economic benefits. The article examines the innovative activity of industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan. The article analyzes the current state and obstacles arising on the path of innovative development of industrial enterprises.

**Key words:** Industrial enterprises, innovation activity, national economy, modern advanced technologies.